

504/917 – حَدِيثُ سَهْلٍ بْنِ سَعْدٍ، فِي أَمْرِ الْمِنْبَرِ؛ تَقَدَّمَ، وَذُكِرَ صَلَاتِهِ عَلَيْهِ وَرُجُوعُهُ إِلَى الْقَهْفِ،

وَزَادَ فِي هَذِهِ الرِّوَايَةِ: قَلَمَّا فَرَغَ أَقْبَلَ عَلَى النَّاسِ فَقَالَ: «أَيُّهَا النَّاسُ، إِنَّمَا صَنَعْتُ هَذَا لِتَأْتِمُوا وَلِتَعْلَمُوا صَلَاتِي».«

504.917 Абу Ҳозим ибн Динор бундай сўзлаб берди:

«Бир гуруҳ кишилар Саҳл ибн Саъд Соъидийнинг хузурига келишди. Улар минбарнинг ёғочи нимадан бўлгани ҳақида тортишиб қолишган эди, ундан шу ҳақда сўрашди. Шунда у деди: «Аллоҳга қасамки, албатта, мен унинг нимадан бўлганини биламан. Ҳақиқатан, мен уни илк бор кўйилган кунида ҳам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга биринчи маротаба ўтирган кунда ҳам кўрганман. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фалонага – Саҳл исмини айтган аёлга – **«Дурадгор ғуломингга буюр, одамларга сўзлаганимда ўтиришим учун ёғочдан бирор нарса ясаб берсин»**, деб одам юбордилар. У унга буюрган эди, Ғобадаги* юлғун дарахтидан уни ясади-да, сўнг олиб келди. (Аёл) уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга жўнатди. У зот уни анави ерга қўйишни буюрдилар. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг унинг устида намоз ўқиганларини ва унинг устида туриб такбир айтганларини, кейин унинг устида турган ҳолда рукуъ қилганларини, сўнгра тушиб, ортларига тисарилиб, минбар тагига сажда қилиб, сўнг ўринларига қайтганларини кўрганман. Фориғ бўлгач, одамларга юзланиб: **«Эй одамлар! Бу ишни менга эргашишингиз ва менинг намозимни ўрганишингиз учунгина қилдим»**, дедилар».

* Ғоба – луғатда асли «дараҳтзор», «ўрмон» деган маънони билдириб, бу ерда Мадинадан тўққиз мил узоқликда, Шом йўлида жойлашган ўрмон кўзда тутилган.



NUBUVVAT MARVARIDLARI